



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2014 йил 14 НОЯБРЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 227 (12.788)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ОЛТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ



2014 йил 13 ноябрда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси очилди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг тақлиф этилган аъзолари, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Мажлиси Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди. Сенаторлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги Давлат бюджет, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишдан бошладилар.

Мажлисида қайд этилганидек, бозор ислохотлари, давом этаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар шароитида 2015 йилги Давлат бюджет, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини макроиқтисодий барқарорликни ҳамда мамлакат ЯИМ юқори суръатлар билан ўсишини таъминлашга, диверсификация қилинган ҳамда рақобатбардор иқтисодиётни шакллантиришга, аҳоли турмуш фаровонлигини янада оширишга қаратилганлиги стратегик аҳамиятга эга. Ушбу мақсадларга эришиш учун 2015 йилги Давлат бюджет, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишдан бошладилар.

Мухоама асносида келаси йилги солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳужалик юритувчи субъектлар ва аҳоли учун солиқ юқини янада камайтиришдан, солиқ солиш тизимини соддалаштиришдан, маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисmini мустахкамлашдан ҳамда солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришдан иборат бўлиб қўлағатилиши кўрсатиб ўтилди.

Солиқ юқини янада камайтириш бўйича энг муҳим чоралардан бири сифатида юридик шахслардан олинандиган фойда солигининг базавий ставкасини 8 фоиздан 7,5 фоизга тушириш назарда тутилмоқда, натижада юридик шахслар иштирокида қўшимча равишда 89,4 миллиард сўм қолади. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондига тушадиган солиқ юқини камайтириш мақсадида микрофирмалар ва кичик корхоналар, фермер ҳужаликлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкасини

25 фоиздан 15 фоизгача пасайтириш тақлиф қилинмоқда. Шунингдек, микрофирмалар ва кичик корхоналар бўлиши қўриқли ташкилотлари учун ягона солиқ тўлови ставкасини 6 фоиздан 5 фоизгача пасайтириш тақлиф қилинмоқда. Бундан ташқари, жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғи бўйича солиқ солишнинг тўрт босқичли шкаласи жорий этилмоқда. Бу шкала даромадларнинг биринчи гуруҳи (энг кам иш ҳақининг бир бараваригача) бўйича ноль ставкасини белгилашни назарда тутди. Мазкур чора ўртача иш ҳақидан кам ёки ўртача иш ҳақи даражасида даромад оладиган жисмоний шахсларга тушадиган солиқ юқини камайтиришга қаратилган.

Мамлакатимизнинг бош молиявий ҳужжатини муҳоама қилиш асносида сенаторлар томонидан ижтимоий соҳа харажатларини кўпайтириш тамойили сақланиб қолаётганлиги қайд этилди. Чунки, Давлат бюджетининг ижтимоий харажатлари жорий йилдаги нисбатан келаси йилда 1:2 баравар кўпаяди. Хусусан, мамлакат олий ўқув юрлари, умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлари ўқув-лаборатория корпусларини, шунингдек, тиббиёт муассасаларини қуришни, реконструкция қилишни, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлашни молиялаштиришга катта миқдорда маблағ йўналтирилади. Давлат бюджетидан 138 та соғлиқни сақлаш объектини қуриш ва баътамом замонавий техника билан жиҳозлашга 495 миллиард сўм, 246 та умумтаълим мактабини, 42 та академик лицей ва касб-хунар коллежлари реконструкция қилишга, шунингдек, 246 та ўрта ва ўрта махсус таълим муассасасини мукамал таъмирлашга 479 миллиард сўм ажратиш назарда тутилган. 72 та туман тиббиёт муассасаси қурилади. Умуман, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини молиялашга қилинадиган давлат харажатларининг ўсиши 2014 йилдаги нисбатан қарийб 22 фоизни ташкил этади.

Марказлаштирилган инвестициялар ҳисобидан ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектиларини барпо этишга, шу жумладан, қишлоқ жойларда янги ташкил этилаётган ўй-жой массивларини сув билан таъминлаш объектилари қурилишига зарур маблағлар ажратилди.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ



Танловлар

ЗУЛФИЯХОНИМ ҚИЗЛАРИ ИҚТИДОРЛАРИНИ НАМОЁН ЭТИШДИ

Хотин-қизларнинг мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш, маънавий савиясини юксалтириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишлари сирасига киради. Президентимиз ташаббуслари билан Зулфия номидаги давлат мукофотининг таъсис этилиши ҳам мамлакатимиз хотин-қизларининг эзгу интилишларини рўёбга чиқариш борасида яратилаётган кенг имкониятлардан биридир.

Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Жорий йилда танловнинг илк босқичларида пойтахтимиздаги олий ўқув юрлари, ўрта махсус касб-хунар коллежлари, академик лицейлар, умумтаълим мактаблари, мактаб-интернатларидан жами 5 минг нафардан ортиқ қизлар иштирок этди. Уларнинг 258 нафари туман босқичларида қатнашди.

Адабиёт йўналиши бўйича 9 та, санъат йўналишида 12 та, фан йўналишида 7 та, таълим йўналишида 11, маданият йўналиши бўйича ҳам 11 нафар, жами энг зукко, оқила, иқтидорли 50 нафар қизлар Зулфия номидаги давлат мукофотининг шаҳар комиссиясига тавсия этилди.

Танлов давомида кўплаб иқтидорли қизлар кашф этилиб, улар янада ташаббускор бўлишга, изланишга ва янги юзларни ҳаётга татбиқ этишга, улкан ютуқларни қўлга киритишга интилишмоқда.

Республикада микёсида 192 нафар қизларимиз Зулфия номидаги Давлат мукофотининг совриндорлари бўлишди. Пойтахтдан эса 15 нафар иқтидорли қизлар ушбу юксак мукофотнинг соҳибалари сифатида бугунги кунда шаҳримизда бўлиб ўтаётган ҳар бир сиёсий, ижтимоий, маънавий тадбирларда фаол иштирок этиб келишмоқда.

Жумладан, Тошкент шаҳридан биринчилардан шу мукофот соҳибаси бўлган Ойдин Абдуллаева ҳозирда Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Бастакорлик ва чолғулаштириш» кафедраси мудири, шу билан бирга бастакор сифатида йирик камер мусика асарларини яратиш келмоқда.

2012 йилда мукофотга сазовор бўлган Шохида Зоҳидова эса кўплаб чет эл мамлакатларида ўтказилаётган халқаро спорт мусобақаларида синхрон сузиш бўйича олий мукофотларни қўлга киритиб юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда.

Бу йилги танлов иштирокчилари ҳам ўзларини қизиқтирган соҳаларида эришган ютуқлари, ёзган шеър, ҳикоя ва мақолалари, миллий, бадий безак ва каштачилик бўйича ишлари, шунингдек, оханграбо кўшиқ, дилбар рақс ва спорт ўйинлари билан қатнашиб, иқтидорларини намоён этдилар. Маданият, санъат соҳасида қатнашаётган қизларнинг ижодидан кўргазмалар ҳам намойиш этилди.

— Мен шундай нуфузли танловнинг шаҳар босқичида иштирок этаётганимдан жуда мамнунман. — дейди Тошкент тўқимачилик ва енгил санъат институти қошидаги 1-сонли академик лицей ўқувчиси спортнинг шотокан-карате-до тури бўйича қора белбоғ соҳибни, Ўзбекистон ва Осиё чемпиони Ҳилола Бадалова. — Биз ёшларга давлатимиз томонидан шундай шарт-шароитлар яратиб берилган экан, бунга жавобан яхши ўқишимиз, ўзимиз севган соҳамиз устаси бўлиб етишишга ҳаракат қилишимиз лозим.

Танлов сўнггида иштирокчи қизлар Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг шаҳар босқичидан лавҳа

Ислом Исмоилов олган сурат



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Сурхондарё вилоятида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг сайловлардаги иштироки масаласига бағишланган ҳудудий семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, вилоят сайлов комиссияси аъзолари, фуқаролар йиғинлари раислари ва фаоллари иштирок этган тадбирда сайловларни ошқоралик, тенглик ва адолат тамойиллари асосида юксак савияда уюшқоқлик билан ўтказишда маҳалла тузилмасининг алоҳида ўрини тутиши таъкидланди.

• Жиззахда давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартибини такомиллаштириш, уларни сотиш механизми ва тартиблари самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

• Андижонда 2007-2013 йилларда «Ниҳол» мукофотида сазовор бўлган бир гуруҳ вилоят ёшларининг «Биз, Ватан фарзандлари — умид ниҳолларимиз» шиори остида ҳисобот-концерти бўлиб ўтди.

• Бухорода «Созлар навоси» ёш мусиқа ижрочилари республика кўриктанловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида вилоят маданият ва спорт ишлари, халқ таълими ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда 15 ёшдан 30 ёшгача бўлган 39 нафар санъатсевар ёш ўз маҳоратини намойиш этди.

• «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Андижон вилояти кенгаши ташаббуси билан ўтказилган ўқув-семинарда ташкилотнинг корхона ва муассасалардаги етакчилари иштирок этди. Тадбирда «Қамолот»нинг бошланғич ташкилотлари етакчи ва координаторлари фаолиятини самарали йўлга қўйиш, иш ҳужжатларини юритиш, тадбирлар ташкил этиш технологияси, сардорлик этикаси каби масалалар хусусида сўз юритилди.

ЖАҲОНДА

• Япониянинг Кагосима музофоти маъмурлари томонидан «Фукусима-1» атом электр станциясида рўй берган авариядан сўнг, станцияни қайта ишга туширишга рухсат берилди. Таъкидлаш жоизки, 2011 йилда рўй берган портлашга қадар мамлакат атом энергетикаси Япониянинг ўттиз фоизгача бўлган эҳтиёжини таъминлаб бераётган бўлса, бугунги кунгача қирқ саккизта атом реакторларининг барчаси тўхтатилган.

• Лондон университети коллежининг бир гуруҳ тадқиқотчилари кўнгилларда ўтказилган тажрибалардан сўнг зарба кучи билан қанчалик бақувватлилигига эмас, балки миядан бериландиган ўзига хос буйруққа боғлиқ эканлигини аниқлашди. Зеро, миядан юбориландиган буйруқ қанчалик аниқ берилса, зарба ҳам шунчалик кучли бўлар экан.

• АҚШда 2010 йилда кўмир қонида рўй берган ва 29 кишининг ҳаётига зомин бўлган портлаш бўйича Massey Energy энергетика компаниясининг собиқ раҳбари Дональд Блэнкеншипга нисбатан шахтада хавфсизликни таъминлаш борасида федерал қонунни бузганлиги, ёлғон кўрсатма берганлиги ва бошқа пунктлар бўйича айблов эълон қилинди. Агарда Дональднинг айблари исботланса унга 30 йилгача бўлган қамок жазоси тайинланиши мумкин.

(ЎЗА)

ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ФАРОВОНЛИК ДАРАЖАСИНИ МУНОСИБ БАҲОЛАМОҚДА

2014 йил 4 ноябрь куни нуфузли «Legatum» халқаро институти (Буюк Британия) ҳар йили янгиланиб борадиган Дунё мамлакатларининг фаровонлик индексини эълон қилди. Бу индекс дунёнинг 142 мамлакат, ер юзи аҳолисининг 96 фоизини ва жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 99 фоизини қамраб олган. Бутун дунёда эътироф этилган усуллар асосида «Legatum» институти томонидан ишлаб чиқилган ушбу фаровонлик индекси аҳоли фаровонлиги учун шароит яратиш борасида 89 кўрсаткич бўйича дунё мамлакатларининг ютуқларини ифода этади.

Мамлакатимизнинг барқарор ривожланиши, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, аввало, халқимиз фаровонлигини изчил оширишга қаратилган алоҳида эътибор туфайли Ўзбекистон жаҳон фаровонлик рейтингига яна бир бор юқори поғонага кўтарилди. «Legatum» институти экспертлари томонидан ўтказилган баҳолаш натижаларига кўра, Ўзбекистон мазкур рейтингда 57-ўринни эгаллади ва бир йил ичида олти поғона юқорига кўтарилди (2013 йилда 63-ўрин эди).

Бунинг самарасида Ўзбекистон Республикасининг фаровонлик борасидаги бу йилги рейтингни Греция, Руминия, Украина, Мексика, Россия, Индонезия, Сербия, Озарбайжон, Грузия, Туркия ва бошқа кўплаб давлатлар рейтингидан ошиб кетди.

«Legatum» институти мамлакатнинг иқтисодиёт даражаси, тадбиркорлик фаолияти, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш тизими, фуқаролар хавфсизлиги даражаси ва ижтимоий капитал каби асосий кўрсаткичларни ҳисобга

олган ҳолда рейтингларни аниқлайди.

Ўзбекистоннинг умумий рейтингини 2010 йилга нисбатан 19 позицияга, «иқтисодиёт» кўрсаткичи бўйича эса 41 позицияга кўтарилди. Бу мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиш даражаси, аҳолининг иқтисодиётнинг ривожланиш истиқболлари аҳолининг, сўнгги 5 йилда иқтисодий тараққиётда ижобий ўзгаришлар рўй бераётгани, шунингдек, банк ва молия тизимининг ишончилиги каби кўрсаткичлар юқори даражага кўтарилгани самарасидир.

Рейтинг тузувчилар ўз бизнесини ташкил этиш учун бошланғич маблағ даражасининг пастлиги, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун жойбадорлик, аҳолининг молия институтларига ишончи каби кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистонни дунёнинг етакчи давлатлари қаторига киритди.

Рейтинг тузувчилар фикрига кўра, мамлакатимиз умумлаштирилган «иқтимоий тараққиёт» кўрсаткичи бўйича дунёда 16-ўринни мустаҳкам эгаллаб турибди. Ўзбекистон ўрта таълим билан қамраб олиш, таълим сифати, соғлиқни сақлаш тизими, юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш, узок

умр кўриш даражаси, шунингдек, болалар ўлимнинг пастлиги, кам сонли миллатларга нисбатан баркиренглик, оила-ларнинг барқарорлиги каби йўналишлар бўйича юқори ижтимоий кўрсаткичларга эга.

Ўзбекистон аҳоли ҳуқуқларининг кафолатлангани, ҳукуматга, мамлакат мудофаа қўбиллигига ишонч, болаларнинг таълим олиш имкониятлари, тўйиб овқатланиш, санитария шароитлари, шахсга ва аҳоли мулкига нисбатан жиноятчиликнинг пастлиги ва бошқа қатор муҳим кўрсаткичлар бўйича етакчи ўн мамлакат қаторидан жой олган.

Нуфузли халқаро институт томонидан берилган ушбу ҳолисона баҳо ҳақли равишда истиқлолнинг дастлабки кунларидан Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жамиятимизнинг барча соҳаларида амалга ошириб келинаётган изчил ислохотлар самараларини, аҳоли фаровонлиги ва ҳаёт даражасини муттасил ошириш, мамлакатимизнинг изчил ривожлантириш учун барқарор иқтисодий шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини акс эттирди.

Рейтингни тузишда БМТ, Жаҳон банки, Жаҳон савдо ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, бошқа халқаро ташкилотлар ва таҳлил институтларининг объектив маълумотлари, шунингдек, «Legatum» институти томонидан ўтказиб келинаётган ижтимоий тадқиқотлар асосий манба бўлиб хизмат қилгани эътиборга олинандиган бўлса, Ўзбекистоннинг фаровонлик индекси бутун халқаро ҳамжамият томонидан муносиб баҳоланганини ишонч билан қайд этишимиз мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ОЛТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Умуман, 2015 йилги Давлат бюджетиди, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетларида ҳамда солиқ ва бюджет сибсатининг асосий йўналишларида аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оғишмай ошириб бориш назарда тутилмоқда. Бунга иш ҳақи, стипендиялар, ижтимоий нафақалар ва пенсиялар миқдорини инфляция суръатларидан юқори даражада ошириб бориш йўли билан, бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг манзиллигини кучайтириш, бюджетлараро муносабатлар тизимини янада ислох қилган ҳолда, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджетлар даромад базасини кенгайтиришдан ҳамда ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини таъминлашдан манфаатдорлигини ошириш ёрдам беради.

Сенаторларнинг чиқишларида 2015 йилги Давлат бюджетининг, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ҳамда солиқ ва бюджет сибсати асосий йўналишларининг параметрлари, умуман, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларида ислохотларни янада чуқурлаштириш ва аҳоли фаровонлигини изчил ошириб боришнинг стратегик дастурига моэ эканлиги кўрсатиб ўтилди. Муҳокама якунлари бўйича сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сибсатининг асосий йўналишларини тасдиқладилар ва тегишли қарор қабул қилдилар.

Сенаторлар ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг бутун салоҳиятини ишга солиш, демографик омилларни ва меҳнат бозорининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ишга жойлаштиришнинг самарали шакллари ривожлантириш йўли билан аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган **2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури**ни ҳам қўриб чиқиб, маъқуладилар.

Ушбу Дастур «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун талабларини, аҳоли бандлиги соҳасидаги давлат сибсатининг тамойиллари, устувор йўналишларини, тегишли мақсадли дастурлар ва халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилганлиги кўрсатиб ўтилди.

2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг прогноз параметрлари 2011-2015 йилларда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари, инвестиция дастурлари ва бошқа мақсадли дастурларга мувофиқ тузилган. Улар иш ўринларини қўлайлаштиришга, бандлик даражасини ўстиришга ҳамда унинг ҳудудий таъминласини таъминлаштиришга йўналтирилган. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси ва сервисни, қишлоқ жойларда

якка тартибда уй-жой қурилишини ҳамда қурилишда пудрат ишларини ривожлантириш дастурлари рўёбга чиқарилиши, кўп тармоқли фермер хўжаликлари янада ривожлантирилиши, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши модернизация қилиниши ва бошқалар билан боғлиқ ҳолда меҳнат бозорига ишчи қучига бўлган талаб ва уни тақфил қилишнинг мувозанатлигини таъминлаш вазифалари белгиланган. Ташкил этилаётган иш ўринларининг сақланиб қолиши ва барқарор амал қилишини, банд бўлмаган аҳолини, касб-хўнар коллежларини битирувчиларни, хотин-қизларни, ногиронлар ва аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган бошқа тоифаларини ишга жойлаштириш бўйича чора-тадбирлар назарда тутилган. Бунда кичик бизнеснинг иш ўринлари ташкил этишдаги ролини оширишга, айниқса, мумкин қадар қўлай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредит ва моддий хомашё ресурсларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш бўйича қабул қилинган норматив ҳужжатларга мувофиқ оилавий тадбиркорлик, хўнарамандчиликни ривожлантириш ҳисобига оширишга катта эътибор берилган.

Дастурни рўёбга чиқариш доирасида 2015 йилда мамлакатимизда 987,5 мингта иш ўрни, шу жумладан, саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва ишламаётган қорхоналарни қайта тиклашнинг мақсадли дастурларига мувофиқ 261,6 мингта иш ўрни ташкил этиш, шунингдек, кичик қорхоналар ва микрофирмаларда, якка тадбиркорлик ва касаначилик соҳасида, фермер ва деҳқон хўжаликларида 725,9 минг нафар одамнинг бандлигини таъминлаш назарда тутилмоқда. Мамлакатнинг олис туманларида иш ўринлари ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилади.

2015 йилда Дастур параметрларига мувофиқ ташкил этиладиган янги иш ўринлари, шунингдек, мавжуд бўл ва захира қилинадиган иш ўринларига касб-хўнар коллежларининг 487,7 минг нафар битирувчисини ишга жойлаштириш мўлжалланган.

2015 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг тасдиқланган параметрлари сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида унинг республика туманлари ва шаҳарлари, иқтисодиёт тармоқлари ва қорхоналар кесимида рўёбга чиқарилишининг мунтазам ва тизимли мониторинги ташкил этилади.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 14 февралдаги Қарори билан тасдиқланган «Обод турмуш йили» Давлат дастурини ижро этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган «**Ижтимоий ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида**»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қўриб чиқдилар. Мақсадли амалдаги «Фўқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун ўрнига қабул қилинаётган янги қонун жисмо-



ний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қўриб чиқилиши ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада тақомиллаштиришга, фўқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, юридик шахсларнинг қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишининг қўшимча кафолатларини таъминлаб беришга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди. Мурожаатларни замонавий афборот-коммуникация воситалари ва технологияларидан фойдаланган ҳолда қиритиш имконияти ҳуқуқий мустаҳкамлаб қўйилганлиги ҳам қонуннинг муҳим янгилиги бўлди.

Сенаторлар фикрича, қонуннинг қабул қилиниши жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш самарадорлигини оширишга, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини бутун қоралар билан таъминлашга, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг мурожаатлар ўз вақтида ҳамда ҳар томонлама қўриб чиқилиши учун жавобгарлигини қучайтиришга ёрдам беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар Олий Мажлис палаталари томонидан 2010 йил ноябрь ойида қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фўқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш доирасида ишлаб чиқилган «**Инвестиция фаолияти тўғрисида**»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини (янги таҳрири) қўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Мажлисида кўрсатиб ўтилганидек, қонуннинг асосий қоидалари ҳўжалик йўритувчи субъектлар ва аҳолининг инвестиция қараёнидаги иштирокини янада кенгайтиришга, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш инвестицияларни амалга ошириш учун қўшимча рағбатлантириш қоралари ва шарт-шароитларини яратишга йўналтирилган.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда инвестиция муҳити янада яхшиланадиган, инвесторлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш самарадорлиги ошишига, инвестиция фаолиятида давлат сибсатини рўёбга чиқаришга, шунингдек, хусусий инвестицияларни рағбатлантиришга ёрдам беради.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн олтинчи ялпи мажлисининг биринчи иш кўни тугади.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Матбуот хизмати
Ёлқин Шамсиддинов (ЎЗА) олган сурат

БАҒРИКЕНГЛИК — ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Тошкент ислом университетида «Конфессиялараро мулоқот ва диний бағрикенглик — жамият барқарорлиги гарови» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Тошкент ислом университети, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда вазирлик ва идоралар, диний конфессиялар вакиллари, мамлакатимиздаги дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари, хорижий экспертлар, олимлар, олий таълим даргоҳлари ўқитувчилари ва талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси О.Юсупов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий У.Алимов, Тошкент ислом университети ректори Р.Абдуллаев, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари К.Пиккат, Тошкент ва Ўзбекистон метрополи Викиентий ва бошқалар Президент Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда виждон эркинлиги таъминланаётгани, миллий ва диний қадриятлар эъзозланаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун диний бағрикенглик, тинчлик ва фаровонликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Юртимизда ўн олти диний конфессия вакиллари аҳил-иноқ яшаб, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини рағнақ топтиради йўлида самарали меҳнат қилаётди. Улар ўз диний байрамлари ва эътиқод амалларини эмин-эркин адо этмоқда.

Республика Байналмилал маданият маркази барча фўқароларнинг миллий қадриятларини ривожлантириш, уларнинг ўзаро аҳиллиги ва ҳамжihatлигини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутмоқда. Бугун юртимизда бир юз қирқдан зиёд миллий маданият марказлари самарали фаолият қўрсатмоқда.

— ЮНЕСКО миллатлараро тинчлик ва тотувлиқни сақлашга алоҳида эътибор билан қарайди, — деди ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Кристиа Пиккат. — 1995 йил 16 ноябрда ЮНЕСКО Бош конференциясининг 28-сессиясида бағрикенглик тамойиллари тўғрисидаги декларация қабул қилинган. Шундан буюн мазкур сана инсониятни бағрикенгликка, тинчлик ва оқилоналикни сақлашга ундаш мақсадида Халқаро бағрикенглик кўни сифатида кенг нишонлаб келинмоқда. Мазкур конференция бутун дунё учун қўйиб қўйиб мавзуга бағишлангани билан аҳами-

ятли бўлди. Анжуман бағрикенглик ва миллатлараро тотувлиқни таъминлашга оид бугунги кўннинг муҳим масалаларини муҳокама қилиш имконини берди.

Бугунги кўнда дунёнинг турли минтақаларида рўй бераётган можароларга теран қўз билан қарашимиз, доимо оғох ва ҳушёр бўлишимиз, юртимиздаги тинчлик ва барқарорлиқни асраб-авайламоғимиз зарур.

— Ўзбекистонга келиб мамлакатингиз ҳақидаги тасаввурим янада бойиди, — деди Шанхай ижтимоий фанлар академиясининг Динлар институти директори Ян Кэцзя. — Юртимизда одамлар тинч-хотиржам яшамокда, ўз орзулари, интилишларини эмин-эркин амалга оширмоқда. Мусавфо осмонингиз, меҳнатсевар ва саодатли халқингиз ҳавас қилгулик. Бу — жамиятда тинчлик-тотувлиқни таъминлашга қаратилган, демократик ва инсонпарварлик тамойилларига асосланган давлат сибсати самарасидир. Қўллаб-қувватлаш бундай тизимдан ўрнак олса арзийди.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистондаги миллатлар ва диний конфессиялараро аҳиллик, дўстлик ва бағрикенглик муҳити инсон омилига устувор эътибор қаратиш, ёш авлодни соғлом ва баркамол, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжihatлигидаги нуфузини янада қўлсатиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

— Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий ва диний бағрикенгликни таъминлаш борасида олиб борилаётган оқилона сибсат самарасида Ўзбекистонда барча диний конфессиялар ўз анъаналари ва удумлари, маросимларини бемалол адо этиб келмоқда, — дейди Немис евангел-лютеран черкови епископи Корней Виббе. — Жамиятимиздаги ўзаро бағрикенглик, меҳр-муруват, эзгулик муҳити тинчлик ва осудалик, фаровонликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Конференцияда тинчликни мустаҳкамлашда диний бағрикенгликнинг ўрни, уни мустаҳкамлашнинг ижтимоий ва илмий-назарий асослари, дунё динлари манбаларида бағрикенглик тамойиллари, динлар ва ижтимоий ҳамкорлик, глобаллашув шароитида толерантлик, ёшларни диний бағрикенглик руҳида тарбиялаш, миллатлар ва динлараро тотувлиқни таъминлашда Ўзбекистон тажрибасининг аҳамиятига бағишланган маърузалар тингланди.

Ноҳира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири

**Бектемир тумани ҳокимининг
ҚАРОРИ**

**БЕКТЕМИР ТУМАНИДА
ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗАГА
МУҲТОЖ ВА ИШ ТОПИШДА
ҚИЙНАЛАЁТГАН ШАХСЛАРНИ
ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН
ИШ ЎРИНЛАРИНИ 2015 ЙИЛ
УЧУН БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аҳборотнома-си, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда), «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Аҳборотномаси 2008 йил 7-сон, 353-модда), Ўзбекистон Республикаси «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунининг 8-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аҳборотномаси, 2008 й., 4-сон, 190-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-616-сон Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил 15-сон, 156-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида»ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўла-ми, 2008 йил 34-сон, 333-модда, 2010 йил 13-сон 96-модда, 2011 йил 1-2-сон 4-модда, 2012 йил 44-сон, 507-модда) мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2015 йилга мўлжалланган банд қилиниши кел-рак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйилган талабларни белгилаш бўйича туман маҳсус комиссиясининг 2014 йил 2 октябрдаги йиғилиши баёнини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Бектемир туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги 77 та ташкилотларда аҳолининг қўйидаги тоифалари учун жами 553 та иш ўринлари банд қилиб қўйилсин:

— Ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун — болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни ўқуғулаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

— таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун — уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

— муқаддлати ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун — уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

— ногиронлар учун — меҳнат шартлолари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ҳодимга иш жараёнидаги тўқунлиқсиз бажариш имконини (соғлиқнинг аҳоли ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган эид қўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

— Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун — маҳсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

— одам савдосидан жабрланганлар учун иш ўринлари;

— жазони ўташ муассасаларидан бўшатилган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига қўра тиббий характердаги мажбурий қоралар қўрилган шахслар учун — уларнинг касб бўйича тайёргарлиги ҳисобга олинган ҳолдаги иш ўринлари, муайян касб-хўнарга, малакага эга бўлмаган шахслар учун — маҳсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари.

2. Бектемир туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2015 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

3. Иш ўринларини банд қилувчи ташкилотлар раҳбар-ларига:

— ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2014 йил якунлашишдан 10 кун олдин банд қилинган иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун, 2015 йилнинг 10 апрелдан кечикмай иш жойларининг қолган қисми 75 фоизини барпо этиш (жағратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир тоифа бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисларнинг кесимидаги маълумотлар-ни ва қарор бўйича чиқарилган буйруқ нусхалари туман Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига тақдим этилсин.

— иловадаги шахслар учун иш ўринларининг санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шартлолигига муво-фиқлаштирилиши таъминлансин.

4. Ушбу қарорнинг ижроси бажарилмаган тақдирда ташкилотнинг мансабдор шахсларига «Ижтимоий муҳо-фазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги Низом»нинг 15-бандига му-вофиқ жазима солинади.

5. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларининг иловада белгиланган миқдордан ортиқча таш-кил этган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларининг бир қисmini туман Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан тузилган шартнома асосида Банд-ликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

6. Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий му-ҳофаза қилиш маркази (У.Уринбоев):

— ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарор-ни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатилсин.

7. Бектемир туман ҳокимининг 2013 йил 25 сентябр-даги «Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қий-налаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2014 йилга мўлжалланган иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғри-сида»ги 254-сон қарори ўз қучини йўқотган деб ҳисоб-лансин.

8. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бош-лаб қуча қиради.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари в.в.б. М.Турсунов зимма-сига юклатилсин.

Бектемир туман ҳокими
С.Махаметов

2014 йил 31 октябр

**Қарорнинг илова қисми билан Тошкент
шаҳар ҳокимлигининг toshkent.uz сайти
орқали танишиш мумкин.**

Куз фасли — доимо шахримизнинг автотранспорт қорхоналари учун масъулиятли давр ҳисобланади. Йилнинг совуқ кунларини қийинчиликларсиз ўтказишга амалий тайёргарлик кўрилади ва ҳозирги кўнга келиб барча транспорт қорхоналарида бундай долзарб ишлар охирига етказиб бўлинди.



Қиш — тайёргарликни ёқтиради

ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ МАВСУМГА ШАЙ

«8-сонли автосарой» очик акциядор-лик жамиятида ҳам ҳар доим қишга тайёргарлик ишлари режали равиш-да баҳор фаслидан бошланади. Авто-сарой раҳбари Жамшид Манноновнинг таъкидлашича, бугунги кўнга келиб қишқи мавсумга тайёргарлик тадбир-лари тўлиқ низоҳасига етказилган. Бун-да биринчи навбатда ҳар бир ҳаракат таркибининг техник ҳолати назорат-дан ўтказилиб, зарурат туғилганда таъмирдан чиқарилган. Жумладан, «Исузу» русумли 47 та автобуснинг ёниги филтёрлари алмаштирилган. 76 та автобусга антифриз қуйилган. Салонларни иситиш тизимлари тек-шириб чиқилган. Ёнгинга қарши ас-боб-ускуналар, жумладан лозим дара-жада кум ва туз захираси яратилган. Сув тармоқлари, электр таъминоти ҳолати назоратдан ўтказилган. Опе-раторлар хонаси, ювиш жойлари таъ-мирланган.

Автоуловларга режали техник хиз-мат кўрсатиш ва машиналарни таъ-мирлаш, иш самарадорлигини кўта-риш бўйича чора-тадбирларнинг амал-га оширилиши натижасида автосарой

жамоаси яхши иш кўрсаткичларига эришмоқда, белгиланган техник то-пириқларни бажармоқда.

Албатта, автосарой жамоаси томо-нидан эриштилаётган муваффақият-ларда ҳар бир ишчи-хизматчининг ўз ҳиссаси бор. Бироқ, бунда ҳайдовчи-ларнинг ҳиссаси ўзгача. Жумладан, Комил Сирожиқов, Анвар Пулат-хўжаев шерикларига ўрناк бўлаётган энг илғор ҳайдовчилардан ҳисобла-нади. Мукаррам Ҳамидова, Татьяна Мотюховалар эса энг моҳир чиптачи-лар сирасига қиради. 8-автотранс-порт қорхонасининг кадрлар масала-сига ёндашуви ёш мутахассислари-ни жалб этишга йўналтирилган. Бу бо-рада тегишли соҳа йўналишидаги касб-хўнар коллежлари, Тошкент ав-томобиль-йўллари институти билан шартнома тузилган. Энг муҳими, ёшлар ушбу автоқорхонага келгусида фаолият олиб бориш мақсадини кўзда тутган ҳолда амалиёт ўташ учун кўзадилар.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ
СУРАТДА: 8-автосарой фаоли-
тидан лавҳа**

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Сайлов-2014»
7.20 Миллий сериал: «Ўзи уйланимаган совчи»
7.50 «Карсон». М/ф.
8.00 «Техно-спорт»
8.40 «Сайрлар». Х/ф.
9.30 «Орол ва экология: ҳамкорлик қиралари»
9.50 «Нотариус маслаҳати»
10.00 «Елғиз кабутарга қайтиш». Т/с.
10.45 «Қундуз амакининг хикоялари». М/с.
11.00 «Ахборот»
11.10 «Ватанпарвар»
11.55 «Ўқим»
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Мен ва У»
13.25 «Қуз». Х/ф.
13.40 «Орган - дарё»
14.00 «Ахборот»
14.15 «Хидоят сари»
14.35 Миллий сериал: «Фидойилар»
15.05 «Об-хаво мўжизалари». Х/ф.
15.30 «Ўқим»
15.35 «Қишлоқ ҳаёти»
15.55 «Заковат»
17.00 «Ахборот»
17.10 «Эркин фикр»
17.20 «Ўқим»
17.25 «Агролам»
17.40 «Қорчиқ»
18.00 «Қўнғил қўшиқ истаиди»
18.10 «Қалб гавҳари»
18.40 «Доктор Хаус». Т/с.
19.25 «Сайлов-2014»
19.30 «Ахборот»/рус/
20.05 «Сайлов-2014»
20.15 Миллий сериал: «Опа-сингиллар». 2-фасл.
21.00 «Ахборот»
21.40 «Сайлов-2014»
22.00 «Қўнғил қўшиқ истаиди»
22.10 «Мунсабат»
22.50 «00.25-Бакалар». Б/ф.
00.25 Миллий сериал: «Опа-сингиллар»
1.00 «Ахборот»/рус/
1.30 Миллий сериал: «Фидойилар»
2.00 «Шарқ тароналари»
2.10 ТелеТeatр: «Ўлдинг, азиз бўлдинг». 1-қисм.
2.50 «Қуз». Х/ф.
3.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
4.00 «Ахборот»
4.40 Миллий сериал: «Ўзи уйланимаган совчи»
5.10 «Қорчиқ»
5.30 «Ўқим»
5.35 - 5.55 «Орган - дарё»

Ёшлар

6.00 «Ватан меҳри»
6.10 «Тараннум»
7.00 «Мультипаноорама»
7.50 «Ёшлик наволари»
8.10 «Каминанинг оиласи»
8.15 «Соглом оила»
8.50 «Соглом оила»
9.10 «Фил ва малика». Т/с.
10.00 «Қамолот-инфо»
10.10 «Бурон оғиллари»
11.40 «Қишлоқдаги тенгдошим»

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Сайлов-2014»
7.20 Миллий сериал: «Ўзи уйланимаган совчи»
7.50 «Қуллол». М/ф.
8.00 «Ахборот»
8.40 «Сайрлар». Х/ф.
9.30 «Эркин фикр»
9.50 «Агролам»
10.00 «Елғиз кабутарга қайтиш». Т/с.
10.45 «Қундуз амакининг хикоялари». М/с.
11.00 «Ахборот»
11.10 Миллий сериал: «Опа-сингиллар»
11.55 «Ўқим»
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Эмма». Б/ф. 1-қисм.
14.00 «Ахборот»
14.15 «Менинг боғим»
14.35 Миллий сериал: «Фидойилар»
15.05 «Қўнғил қўшиқ истаиди»
15.30 «Об-хаво мўжизалари». Х/ф.
15.55 «Ўқим»
16.00 «Тезкор хабарлар»
16.10 «Тараққиёт таяниши»
16.30 «Ахборот»/инглиз/
16.40 «Қорчиқ»
17.00 «Ахборот»
17.10 «Қўнғил қўшиқ истаиди»
17.25 «Стандарт ва сифат»
17.40 «2014 йил - Соғлом бола йили»
18.00 «Қўнғил қўшиқ истаиди»
18.15 «Хайтимиз қомуси»
18.35 «Ўқим»
18.40 «Доктор Хаус». Т/с.
19.25 «20.00.25-Эълонлар»
19.30 «Ахборот»/рус/
20.05 «Сайлов-2014»
21.00 «Ахборот»
21.40 «Сайлов-2014»
22.00 «Қўнғил қўшиқ истаиди»
22.10 «Қўнғил қўшиқ истаиди»
22.50 «00.25-Бакалар»
00.25 «Мунсабат»
00.50 «00.25-Бакалар»
01.00 «Ахборот»
01.30 Миллий сериал: «Фидойилар»
02.00 «Шарқ тароналари»
2.15 ТелеТeatр: «Ўлдинг, азиз бўлдинг». 2-қисм.
3.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
4.00 «Ахборот»
4.40 Миллий сериал: «Ўзи уйланимаган совчи»
5.10 «Соглом келажақ»
5.25 «Қўнғил қўшиқ истаиди»
5.40 - 5.55 «Менинг боғим»

Ёшлар

6.00 «Ватан меҳри»
6.10 «Тараннум»
7.00 «Мультипаноорама»
7.50 «Ёшлик наволари»
8.10 «Каминанинг оиласи»
8.15 «Соглом оила»
8.50 «Автоматруль»
9.10 «Фил ва малика». Т/с.

12.10 «Бир қадам». Т/с.
12.50 «ЎзЕХ»
13.00 «Давр»
13.10 «Изабелла». Т/с.
13.50 «Ўзбек адабиёти»
14.50 «Мўжизавий дунё»
15.50 «ЎзЕХ»
16.00 «Давр»
16.10 «Фурур ва андиша». Т/с.
17.10 «Автоматруль»
17.30 «Эгизаклар». Б/ф. 1-қисм.
18.50 «ЎзЕХ»
19.00 «Давр»
19.30 «Тонгги шудринг». Т/с.
20.20 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллигига: «Келажак пойдевори»
20.30 «Навоий ҳазинаси»
20.50 «Ёшлик наволари»
21.10 «Изабелла». Т/с.
21.20 «Давр»
22.30 «Капитан Хорнблауэр»
Б/ф. 1-қисм.
00.10 «Мўжизавий дунё»
0.10 «Ўзбек адабиёти»
2.10 «Тараннум»
3.00 «Қўнғил қўшиқ истаиди»
3.10 «Фурур ва андиша». Т/с.
4.00 «Қамолот-инфо»
4.10 «Қишлоқдаги тенгдошим»
4.30 «Томчида қуёш»
4.40 «Каминанинг оиласи». Т/с.
5.10 «Қуз чизилган». Т/с.
5.20 «Унутилмас оҳанглари»
5.30 - 6.00 «Давр»

Тошкент

5.55 «Ягонасан, муқаддас Ватаним!»

ДУШАНБА, 17

6.00 «Эгизаклар». Б/ф. 1-қисм.
6.25 Миллий сериал: «Хаёт пиллапоялари»
7.00 «Тошкент вақти»
7.50 «Соз сеҳри»
7.55 «Бизнинг даҳолар»
8.20 «Ишга марҳамат!»
8.25 Тошкент тароналари.
8.35 «Пойтахт-эко»
8.45 «Қонун доирасида»
9.05 «Анъеза». Т/с.
9.50 «Пойтахт-спорт»
10.00, 14.00, 22.00 «Пойтахт»
/Рус тилида/
11.30 «Бахт қўрғони»
12.10 «Қўнғил қўшиқ истаиди»
Х/ф. /Рус тилида/
13.00 «Тошкент вақти»
13.50 «Пойтахт-репортаж»
14.10 «Всё о туризме»
14.40 «Холис назар»
15.00 «Пойтахт-бизнес»
15.10 «Ўғай она». Т/с.
16.10 «Ахборот»
17.40 «Фан ва тараққиёт»
18.25 «Раксинг сеҳри ола-ми»
18.35 «Пойтахт-интервью»
18.45 «Анъеза». Т/с. /Премьера-ра/
19.30 Тошкент тароналари.
19.40 «Теле-маркет»
19.50 «Бизнинг даҳолар»
19.55 «Навоий маҳзани»
20.00 «Poytakht news»

Тошкент

5.55 «Ягонасан, муқаддас Ватаним!»
6.00, 8.00, 12.00, 16.00, 18.00, 20.00, 2.00 «Пойтахт»
6.25 Миллий сериал: «Хаёт пиллапоялари»
7.00 «Тошкент вақти»
7.50 «Соз сеҳри»
7.55 «Бизнинг даҳолар»
8.20 «Ишга марҳамат!»
8.25 Тошкент тароналари.
8.35 «Пойтахт-эко»
8.45 «Қонун доирасида»
9.05 «Анъеза». Т/с.
9.50 «Пойтахт-спорт»
10.00 «Poytakht news»
10.20 «Давроқ-қосим»
Б/ф. /Рус тилида/
11.40 «Профессионал»
12.10 «Победа капитана Кука»
Х/ф. /Рус тилида/
13.00 «Тошкент вақти»
13.50 «Пойтахт-интервью»
14.00, 22.00 «Пойтахт»
/Рус тилида/
14.10 «Всё о туризме»
14.40 «Эртанинг эгалари»
15.00 «Poytakht-biznes»
15.10 «Ўғай она». Т/с.
16.10 «Ахборот»
17.40 «Фан ва тараққиёт»
18.25 «Раксинг сеҳри ола-ми»
18.35 «Пойтахт-интервью»
18.45 «Анъеза». Т/с. /Премьера-ра/
19.30 Тошкент тароналари.
19.40 «Теле-маркет»
19.50 «Бизнинг даҳолар»

СЕШАНБА, 18

5.55 «Ягонасан, муқаддас Ватаним!»
6.00, 8.00, 12.00, 16.00, 18.00, 20.00, 2.00 «Пойтахт»
6.25 Миллий сериал: «Хаёт пиллапоялари»
7.00 «Тошкент вақти»
7.50 «Соз сеҳри»
7.55 «Бизнинг даҳолар»
8.20 «Ишга марҳамат!»
8.25 Тошкент тароналари.
8.35 «Пойтахт-эко»
8.45 «Қонун доирасида»
9.05 «Анъеза». Т/с.
9.50 «Пойтахт-спорт»
10.00 «Poytakht news»
10.20 «Давроқ-қосим»
Б/ф. /Рус тилида/
11.40 «Профессионал»
12.10 «Победа капитана Кука»
Х/ф. /Рус тилида/
13.00 «Тошкент вақти»
13.50 «Пойтахт-интервью»
14.00, 22.00 «Пойтахт»
/Рус тилида/
14.10 «Всё о туризме»
14.40 «Эртанинг эгалари»
15.00 «Poytakht-biznes»
15.10 «Ўғай она». Т/с.
16.10 «Ахборот»
17.40 «Фан ва тараққиёт»
18.25 «Раксинг сеҳри ола-ми»
18.35 «Пойтахт-интервью»
18.45 «Анъеза». Т/с. /Премьера-ра/
19.30 Тошкент тароналари.
19.40 «Теле-маркет»
19.50 «Бизнинг даҳолар»

Тошкент

5.55 «Ягонасан, муқаддас Ватаним!»

20.20 «Ишга марҳамат!»
20.25 «Ўғай она»
Т/с. /Премьера-ра/
21.15 «Пойтахт-интервью»
21.35 «Пойтахт-эко»
21.45 «Телемаркет»
21.55 «Пойтахт-шаҳарлар»
22.20 «Марко Поло»
Б/ф. /Рус тилида/. 1-қисм.
23.40 «Обод хонадон»
00.05 «Всё о туризме»
00.35 «Пойтахт-интервью»
1.00 «Пойтахт-эко»
1.10 «Қўнғил қўшиқ истаиди»
Х/ф. /Рус тилида/
2.20 «Жульеттага мактублар»
Б/ф.
4.00 «Тошкент вақти»
4.50 «Дунё» теледастури.
5.40 «Мисли гавҳар»

Спорт

6.00 «Хайри тоғ!»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Махорат мактаби»
6.30 Тонгги гимнастика.
6.40 «Матонат»
7.00 «SPORT-EXPRESS»
8.00 «ХАБАРЛАР»
8.30 АНОНС.
8.35 Футбол. ЕВРО-2016. Сара-лаш урашуви.
10.15 «Sport rekordlari»
10.20 «Орзулар кема-си»
10.50 АНОНС.
10.55 Фигуралар уйиш. Гран-при.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 «SPORT-EXPRESS»

Спорт

13.00 АНОНС.
13.05 «Шоҳсулғана йул»
13.45 «Техно-спорт»
13.55 АНОНС.
14.00 «ХАБАРЛАР»
14.15 «Sport ensiklopediya»
14.20 Теннис. АТР/ВТА тур-нири.
15.20 Футбол. ЕВРО-2016. Сара-лаш урашуви.
17.00 Бокс. Ўзбекистон Кубоги. Финал.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Спорт саёра-си»
18.20 «Техно-спорт»
18.25 АНОНС.
18.30 «ХАБАРЛАР»
18.50 АНОНС.
18.55 «Болалар спор-ти»
19.20 Оғир атлетика. Жаҳон чемпионати.
20.30 АНОНС.
20.35 «Футбол шарҳи»
21.25 «Спорт-маркет»
21.30 «ХАБАРЛАР»
21.50 АНОНС.
21.55 Интерфутбол.
23.40 АНОНС.
23.45 «Енгилмаслар». Хужжат-ли фильм.
00.00 АНОНС.
00.05 Профессионал бокс.
00.55 АНОНС.
1.00 «ХАБАРЛАР»
1.20 АНОНС.
1.25 Баскетбол.
2.45 Тоғ чангиси. Жаҳон Кубоги.
3.45 Фигуралар уйиш. Гран-при.

Спорт

6.00 «Хайри тоғ!»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Эстафета»
6.30 Тонгги гимнастика.
6.40 «Менинг танловим»
7.00 «SPORT-EXPRESS»
8.00 «ХАБАРЛАР»
8.10 АНОНС.
8.15 Интерфутбол.
9.55 «Sport rekordlari»
10.00 «Қўнғил қўшиқ истаиди»
10.55 Фигуралар уйиш. Гран-при.
11.40 «Енгилмаслар». Хужжат-ли фильм.

Спорт

19.55 «Навоий маҳзани»
20.20 «Ишга марҳамат!»
20.25 «Ўғай она»
Т/с. /Премьера-ра/
21.15 «Пойтахт-интервью»
21.35 «Пойтахт-эко»
21.45 «Телемаркет»
21.55 «Пойтахт-шаҳарлар»
22.20 «Марко Поло»
Б/ф. /Рус тилида/. 2-қисм.
23.40 «Обод хонадон»
00.05 «Всё о туризме»
00.35 «Пойтахт-интервью»
1.00 «Пойтахт-эко»
1.10 «Қўнғил қўшиқ истаиди»
Х/ф. /Рус тилида/
2.20 «Жульеттага мактублар»
Б/ф.
4.00 «Тошкент вақти»
4.50 «Дунё» теледастури.
5.40 «Мисли гавҳар»

Спорт

6.00 «Хайри тоғ!»

4.45 АНОНС.
4.50 - 5.50 Теннис. АТР/ВТА турнири.

Первый канал

04.00 Телеканал «Доброе утро»
07.00 Новости
07.05 «Полет чудес»
08.00 «Новости»
08.10 «Контрольная закупка»
08.35 «Жить здорово!»
09.35 Модный приговор
10.30 Фазенда
11.00 Новости
11.15 «Сегодня вечером»
13.00 Смак
13.05 «Время покажет»
14.00 Новости
14.20 «Время покажет». Продолжение
15.15 «Мужское/Женское»
16.10, 01.50, 02.05 «Наедине со всеми»
17.00 Вечерние новости
18.00 «Давай поженимся!»
19.00 «Путь говорит»
20.00 «Время»
20.30 Т/с «Чудотворец»
21.55 «Вечерний Ургант»
22.50 «Позитив»
23.50 «Ночные новости»
00.00 Т/с «Умник»
00.55 «Давай поженимся!»
02.00 Новости
02.40 «Мужское/Женское»

Россия

05.00 «Утро России»
09.00 «Кузница мать. Итоги»
09.55 Ток-шоу. «О самом главном»
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести.
11.35, 14.30, 17.00, 19.35 Местное время. Вести-Москва.
11.55 Т/с «Тайны следствия»
12.55 «Особый случай»
14.50 Вести. Дежурная часть.
15.00 Т/с «Сердце звезды»
16.00 Т/с «Пока станица спит»
17.30 Т/с «Камекасия»
18.30 «Прямой эфир»
20.50 «Спокойной ночи, малыши!»
21.00 Т/с «Марина рош-2»
00.45 «Шифры нашего тела. Внезапная смерть»
01.50 Т/с «Улицы разбитых фонарей»
04.30 «Комната смеха»

НТВ

05.00 «НТВ утроем»
07.20 «Прокурорская проверка»
08.35, 09.20 Т/с «Возвращение Мухомора»
09.00, 12.00, 15.00, 18.00 «Сегодня»
10.55 «Суд присяжных»
12.30 «Суд присяжных. Окончательный вердикт»
13.45 «Обзор. Чрезвычайное происшествие»
14.25, 15.30 Т/с «Лесник»
17.00 «Говорим и показываем»
19.00, 22.30 Х/ф «Легавый-2»
22.00 «Анатомия дня»
23.30 Т/с «Крпаленый»
01.25 «Дикий мир»
02.00 Т/с «Гоним»
03.55 Т/с «Супруги»

НТВ

1.55 Фигуралар уйиш. Гран-при.
3.00 Автоматоспорт.
3.50 Тоғ чангиси. Жаҳон Кубо-ги.
4.45 АНОНС.
4.50 - 5.50 Оғир атлетика. Жа-хон чемпионати.
Первый канал
04.00 Телеканал «Доброе утро»
07.00 Новости
07.05 «Путь говорит»
08.00 Новости
08.10 «Контрольная закупка»
08.35 «Жить здорово!»
09.35 Модный приговор
10.30 Фазенда
11.00 Новости
11.15 Т/с «Чудотворец»
13.00 Смак
13.35 «Время покажет»
14.00 Новости
14.20 «Время покажет». Про-должение
15.15 «Мужское/Женское»
16.10, 01.50, 02.05 «Наедине со всеми»
17.00 Вечерние новости
18.00 «Давай поженимся!»
19.00 «Путь говорит»
20.00 «Время»
20.30 Т/с «Чудотворец»
22.15 «Вечерний Ургант»
22.50 Ночные новости
23.05 «Структура момента»
00.00 Т/с «Умник»
00.55 «Давай поженимся!»
02.00 Новости
02.40 «Мужское/Женское»

Россия

05.00 «Утро России»
09.00 «Бунт генералов. Генерал Гордов»
09.55 Ток-шоу. «О самом главном»
11.00, 14.30, 17.00, 20.00 Вести.
11.35, 14.30, 17.00, 19.35 Местное время. Вести-Москва.
11.55 Т/с «Тайны следствия»
12.55 «Особый случай»
14.50 Вести. Дежурная часть.
15.00 Т/с «Сердце звезды»
16.00 Т/с «Пока станица спит»
17.30 Т/с «Камекасия»
20.50 «Спокойной ночи, малыши!»
21.00 Т/с «Марина рош-2»
00.45 «Кто не пускает нас на Марс?»
01.50 Т/с «Улицы разбитых фо-нарей»

НТВ

05.00 «НТВ утроем»
07.20 «Прокурорская проверка»
08.35, 09.20 Т/с «Возвращение Мухомора»
09.00, 12.00, 15.00, 18.00 «Сегодня»
10.55 «Суд присяжных»
12.30 «Суд присяжных. Окончательный вердикт»
13.45 «Обзор. Чрезвычайное про-исшествие»
14.25, 15.30 Т/с «Лесник»
17.00 «Говорим и показываем»
19.00, 22.30 Х/ф «Легавый-2»
22.00 «Анатомия дня»
23.30 Т/с «Крпаленый»
01.30 «Главная дорога»
02.05 Т/с «Гоним»
04.00 Т/с «Супруги»

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Сайлов-2014»
7.20 Миллий сериал: «Ўзи уйланимаган совчи»
7.50 «Ур тўқмоқ». М/ф.
8.00 «Ахборот»
8.40 «Орбита». Х/ф.
9.30 «Ягона оилада»
9.45 «Навоий олами»
10.00 «Елғиз кабутарга қайтиш». Т/с.
10.45 «Қундуз амакининг хикоя-лари». М/с.
11.00 «Ахборот»
11.10 Миллий сериал: «Опа-син-гиллар»
11.55 «Ўқим»
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Эмма». Б/ф. 2-қисм.
14.00 «Ахборот»
14.15 «Мўжизавий макони»
14.40 Миллий сериал: «Фидойи-лар»
15.10 «Янгиланаётган юрт»
15.25 «Сув ости дунёси». Х/ф.
15.50 «Ўқим»
15.55 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
16.40 «Мўжизавий макони»
17.00 «Ахборот»
17.10 «Сен ёлғиз эмассан»
17.30 «Сарахонбозар оғурушу-лар»
17.45 «Ўқим»
17.50 «Қўнғил қўшиқ истаиди»
18.00 «Ногоҳ»
18.30 «Доктор Хаус». Т/с.
19.15 Марказий сайлов комис-сияси хабарлари /рус/.
19.30 «Ахборот»/рус/
20.00, 20.55 Эълонлар.
20.55 Марказий сайлов комис-сияси хабарлари.
20.20 «Сайлов-2014». Теледебат.
21.00 «Ахборот»
21.40 «Устурлоб»
22.00 «Қўнғил қўшиқ истаиди»
22.10 «00.15 «Рух». Б/ф.
00.15 «Умидбахш кун». Б/ф.
1.00 «Ахборот»/рус/
1.30 Миллий сериал: «Фидойи-лар»
2.00 «Шарқ тароналари»
2.15 ТелеТeatр: «Ўлдинг, азиз бўлдинг». 3-қисм.
3.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
4.00 «Ахборот»
4.40 Миллий сериал: «Ўзи уйланимаган совчи»
5.10 «Устурлоб»
5.30 «Ўқим»
5.35 - 5.55 «Навоий олами»

Ёшлар

6.00 «Ватан меҳри»
6.10 «Тараннум»
7.00 «Мультипаноорама»
7.50 «Ёшлик наволари»
8.10 «Каминанинг оиласи». Т/с.
8.50 «Давр мавзуси»
9.10 «Фил ва малика». Т/с.
10.45 «Қундуз амакининг хикоя-лари»
10.10 «Капитан Хорнблауэр»
Б/ф. 2-қисм.
11.50 «Афсона ва ҳақиқат»
12.10 «Бир қадам». Т/с.
12.50 «ЎзЕХ»
13.00 «Давр»
13.10 «Изабелла». Т/с.
13.50 «Соглом авлод - миллат келажиги»
14.50 «Мўжизавий дунё»
15.50 «ЎзЕХ»
16.00 «Давр»

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Сайлов-2014»
7.20 Миллий сериал: «Ўзи уйланимаган совчи»
7.50 «Қуллол». М/ф.
8.00 «Ахборот»
8.40 «Орбита». Х/ф.
9.30 «Богаро»
9.45 «Хайтимиз қомуси»
10.00 «Елғиз кабутарга қайтиш». Т/с.
10.45 «Қундуз амакининг хикоялари». М/с.
11.00 «Ахборот»
11.10 «Умидбахш кун». Б/ф.
11.55 «Ўқим»
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Эмма». Б/ф. 3-қисм.
14.00 «Ахборот»
14.15 «Умидбахш кун». Ток-шоу.
15.00 Миллий сериал: «Фи-дойилар»
15.30 «Ўқим»
15.35 «Сув ости дунёси». Х/ф.
16.00 «Тезкор хабарлар»
16.10 «Бир жиноят изидан»
16.30 «Ахборот»/инглиз/
16.40 «Навоий олами»
17.00 «Ахборот»
17.10 «Мехрибон»
17.30 «Ўқим»
17.35 «Нотариус маслаҳати»
17.45 «Менинг боғим»
18.00 «Қўнғил қўшиқ истаиди»
18.15 «Мен ва У»
18.40 «Доктор Хаус». Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот»/рус/
20.05 «Сайлов-2014»
20.15 Миллий сериал: «Опа-сингиллар»
21.00 «Ахборот»
21.40 «Сайлов-2014»
22.00 «Қўнғил қўшиқ истаиди»
22.10 «Қишлоқ вақти»
22.30 «00.15 «Катта». Б/ф.
00.05 «Менинг боғим»
00.25 Миллий сериал: «Опа-сингиллар»
1.00 «Ахборот»/рус/
1.30 Миллий сериал: «Фидойи-лар»
2.00 «Шарқ тароналари»
2.15 ТелеТeatр: «Ўлдинг, азиз бўлдинг». 1-қисм.
3.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
4.00 «Ахборот»
4.40 Миллий сериал: «Ўзи уйланимаган совчи»
5.10 «Мен ва У»
5.35 - 5.55 «Қишлоқ вақти»

